

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАСАВВУРИДА ЎҚИТУВЧИ ТИМСОЛИ ГАВДАЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Маматқулова Замира Ғаниқуловна

Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада бошланғич синф ўқувчилари тасаввуридаги ўқитувчи тимсолини ўрганилган. Ўқитувчи тимсолига бериладиган баҳо бошланғич синфнинг дастлабки босқичида юқори бўлиб, кейинчалик таълим босқичи ўзгаришига қараб, пасайиб бориши исботланган. Шунингдек, Ўқитувчи тимсоллари бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларининг психологик таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Бошланғич синф, ўқитувчи, ўқувчи, тимсоллар, шахсаларо муносабат, психологик таҳлил.

Abstract: In the article the teacher model has been studied in the imagination of the elementary grade pupils. The initial (Score) mark for a primary grade teacher in high after urids it has been proved that the evaluation degrading up to stages. In addition psychological analysis results on the conducted research works have been presented.

Key words: primary school, teacher, pupil, models psychological analysis.

Хориж психологиясида ўқитувчи билан ўқувчилар ўзаро муносабатлари муаммосини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотларни ўрганар эканмиз, уларнинг аксариятида ўқувчи шахсининг тўлақонли шаклланишида ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг ўзига хос психологик хусусиятларини эътиборга олиш зарурлигини алоҳида қайд этадилар.

Жумладан, Р.Пломин ва Х.Хермансларнинг (1997) илмий таҳлилларига кўра, аслида шахснинг баркамол шаклланиши учта асосий омил таъсири билан белгиланади:

1) Шахсда мавжуд бўлган биологик имкониятлар - бунда одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнларига темперамент типининг таъсири назарда тутилади.

2) Шахснинг субъектив, яъни психологик имкониятлар жараёнининг стратегиясини тузади; ўзаро муносабатга киришишни шахсан ўзи танлайди ҳамда ижтимоий турмушда уларни тўлдирди ва такомиллаштиради.

3) Шахсларо муносабатлар жараёни – бу муносабатлар ва шахснинг ижтимоий - маданий , маънавий - ахлоқий шаклланишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий-маданий муҳит шахсларо муносабатлар учун бош механизм сифатида шахснинг шаклланишини таъминлайди. Аммо учала омил ҳам ўзаро узвий боғлиқликда бир-бирига таъсир этади [2, 3].

А.В.Петровскийнинг таъкидлашича, шахслараро муносабатлар жамоадаги фаолиятдан келиб чиқиши лозим, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан самарали муносабатини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқотга, муомалага бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам муҳим воситасидир [6].

Ҳозирги замон бўлғуси ўқитувчининг миллий психологик хусусиятларини ўзида жамлаган (миллий психологик қиёфасини ўзида ифодалайдиган) 5 та муҳим омилни психологик нуқтаи назардан изоҳлашга ва касбий тайёргарлик жараёнида бўлғуси ўқитувчиларда уларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Мазкур омилларни (факторларни) фан ўқитувчисининг шахси ва фаолиятида ёрқин ифодаланишига кўра қуйидагича номладик:

1. Ўқитувчининг атрофдагиларга хушмуомалалиги ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши.
2. Ўқитувчи сифатида ўзини тутиши ва амалиётчилиги.
3. Ўқитувчига хос миллий идентивликнинг шаклланганлиги (ўз миллатига мансублиги).
4. Ўқитувчига хос обрў-эътибори ва ижтимоий типологияга (андозага) ўхшашлиги.
5. Ўқитувчига хос жамиятдаги фаоллиги (ижтимоий дадиллиги) [4, 5].

Ўқитувчининг атрофдагиларга хушмуомалалиги ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши омили тадқиқот натижасига кўра бош омил сифатида намоён бўлди. Ушбу омил устун ифодаланган бўлғуси ўқитувчилари ўзини назорат қилишга юқори даражада қобилиятли, ўз халқининг анъаналари, кадриятлари, урф-одатлари, диний маросимлари ва расм-русумларини яхши биладиган, кадрлайдиган ва унга амал қиладиган инсон сифатида гавдаланади.

Ўзбек миллатида энг аввал болаларга, қарияларга, ночор, бемор ва ногиронларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўйлаб-фикрлаб иш тутиш, камгаплик ва мулоқотда ниҳоятда хушмуомалалик юқори баҳоланади.

Шунга кўра, ўқитувчисининг ушбу қиёфасида биринчи галда етарли даражада касбий билимларни эгаллашга интилиш хос бўлиб, ўзининг ижтимоий-типик хулқида характернинг қуйидаги этник хислатларини: юксак ҳиссий барқарорлик, онглилик, оқилона ишонувчанлик ва киришимлилиқ, ўзига нисбатан назоратнинг кучлилиги ва ўрта даражадаги доминантлик, ўзига ишониш, шунингдек, кенг кўламдаги ўзига бўлган муносабатнинг ижобийлигини намоён қилади.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси, бола шахси шаклланишида ўзига хос йўналиш берувчи ва уни бошқаришга хизмат қилувчи субъектив фаолият эгаси сифатида намоён бўлади. Шуларни

ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи шахси ва унинг психологик қиёфасини тасвирлаш орқали ҳозирги таълим-тарбия жараёни тўғрисида ҳам умумий тасаввурни шакллантириш мумкин бўлади. Ўзбек миллий-маданий муҳитида ўқитувчи шахсини тадқиқ этиш мақсадида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган [Гайнутдинов Р.З., Жабборов А. М., Сапаров Ш., Бердиев Г., Расулов А.И., Қличева З.П. ва бошқалар]. Мазкур тадқиқотларда ўқитувчи шахсини турли жабҳалари ўрганилган. Аммо бошланғич синф ўқувчилари тасавурида ўқитувчи тимсолини ўрганиш борасида маҳаллий шароитимизда психологик тадқиқотлар олиб борилмаган [1, 2, 3, 4, 5].

Бошланғич синф ўқувчилари тасавуридаги ўқитувчи тимсолини ўрганиш учун “Ўқитувчи ўқувчилар нигоҳида” анкетасидан фойдаландик. Ушбу анкета юқори синф ўқувчиларининг ўқитувчиларга муносабатини ўрганиш анкетасининг модификация қилинган шакли бўлиб, унда ўқитувчининг педагогик фаолияти, касбий фаолияти ва шахсий фазилатларини ўрганиш назарда тутилди.

Тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларидан 280 нафар ўқувчи иштирок этди. Уларнинг натижалари синфлар ва умумий ўртача қиймат бўйича ҳисобланди. Олинган натижаларга кўра айтиб ўтиш жоизки, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитувчи тўғрисидаги тасаввурларида ўзига хослик кузатилди (1-жадвал).

1- жадвал

Ўқувчилар тасавуридаги ўқитувчи тимсоли кўрсаткичлари (натижалар 5 – баллик тизимда, n=296)

Т/р	Фазилатлар	Синфлар				Умумий ўртача балл
		1-синф (n=70)	2-синф (n=70)	3-синф (n=70)	4-синф (n=70)	
1	Билимли	5,0	4,92	4,85	4,80	4,89
2	Ростгўй	5,0	4,80	4,71	4,66	4,79
3	Ўзига ишонган	5,0	4,70	4,68	4,64	4,75
4	Қаттиққўл	4,77	4,65	4,34	4,30	4,51
5	Адолатли	4,52	4,56	4,50	4,31	4,47
6	Ўқувчиларни тушунадиган	4,68	4,36	4,21	4,36	4,40
7	Меҳрибон	4,78	4,24	3,98	3,66	4,16
8	Талабчан	5,0	4,32	3,78	3,42	4,47
9	Мулойим	4,66	4,45	4,22	4,10	4,35
10	Қувноқ табиатли	4,02	3,61	3,54	3,21	3,6
11	Хушмуомала	3,96	3,87	3,30	3,42	3,63


Ўқувчиларнинг ўқитувчилари шахсига энг юқори баҳоларни ўқитувчининг билимлилигига (4,89) ва ростгўйлигига (4,79) қўйганлар. Бундан кўринадики,

Ўқувчилар ўқитувчиларини энг билимли, кўп нарсдан хабардор, бошқа инсонлар билмайдиган нарсаларни биладиган ва тушунадиган инсон сифатида идрок қилар экан. Бундан эса маълум бўладики, бошланғич синфларда ўқитувчи томонидан бериладиган ҳар бир маълумот ва унинг кўрсатмалари ўқувчилар учун энг ишончли ва тўғри деб қабул қилинади. Бунда ўқувчилар ўқитувчининг касбий компоненти – билимлилиги билан унинг шахсий фазилати – ростгўйлигини ўзаро боғланган ҳолда баҳолай олганлар. Шунингдек, ўқувчилар ўқитувчиларининг юқоридаги икки хусусиятлари билан бир қаторда унинг иродавий хусусиятларининг аҳамиятини ҳам кўрсата олганлар, яъни ўқитувчи уларнинг тасавурида ўзига ишонган шахс (4,75) сифатида қабул қилинган. Бу эса ўқувчилар ўқитувчиларини бошланғич синфларда “идеал” инсон сифатида қабул қилишларига имкон беради.

Тадқиқотда ўқувчилар ўқитувчининг қувноқ табиатлилик (3, 6) ва хушмуомалалалик (3,63) сифатларини бошқа фазилатларига нисбатан қуйи баҳолаганлар. Ўқитувчининг ушбу икки шахслилик сифатлари аслида ўқувчиларнинг қалбидан жой олишларига ёрдам берувчи хусусиятлар бўлиши лозим эди, чунки ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабат муаллимнинг шогирдларига самимий, илиқ ва ўзига яқин киши сифатида қабул қилишида гавдаланади. Бу фикрни давом эттирган ҳолда таълим жараёнида ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашидаги асосий камчилик ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатида хушмуомалалик, самимий муносабатнинг етишмаслиги ва унинг ўрнини қўполлик эгалланганлиги оқибати бўлиши мумкин деган тахминни илгари сурамыз.

Ўқувчилар тасавурида ўқитувчилардаги хушмуомалалик ва қувноқликдан ташқари, уларга устозларининг меҳрибонлиги (4, 16) ва ўқувчиларни тушунишлари (4, 40) ҳам паст баҳоланган. Бундан эса, ўқитувчининг педагогик фаолиятида шахслараро муносабат етакчи ўрин эгаллаши психологик нуқтаи назардан доимо урғу бериладиган жиҳатлар ҳисобланишига қарамай, амалиётда ўқитувчилар бунга камроқ эътибор бераётганга ўхшайди.

Тадқиқот давомида олинган натижалардан шу кузатиладики, бошланғич синф ўқувчиларининг таълим босқичи юқорилаб боргани сари ўқитувчининг сифатларига берилган баҳолар динамикаси пасайиб борган. Биринчи синф ўқувчилари ўқитувчини билимли (5,0), ростгўй (5,0), талабчан (5,0) ва ўзига ишонган (5,0) тарзда баҳолаган бўлсалар, иккинчи, учинчи ва тўртинчи синфларда эса ушбу сифатлар бўйича кўрсаткичлар пасайиб борган(1-расм).



1-расм. Синфлар бўйича ўқитувчи тимсолига берилган баҳолар динамикаси

Демак, ўқитувчиларнинг дастлабки таъсиrotлари кейинчалик таълим жараёнида ўқувчилар томонидан кузатишлар, ўқитувчининг фаолият натижалари ва муносабатини таққослаб боришлари у тўғрисидаги тасаввурларининг ўзгариб боришига олиб келар экан. Ўқувчиларнинг ўқитувчи тимсолидаги деярли барча сифатлар бўйича баҳолари ўзгариши кўзга ташланди.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки ўқитувчи тимсолига бериладиган баҳо бошланғич синфнинг дастлабки босқичида юқори бўлиб, кейинчалик таълим босқичи ўзгаришига қараб, пасайиб бориши мумкин экан.

Ўқитувчи ўқувчига ёш бола сифатида қарамаслиги керак, балки унинг туйғу ва кечинмаларини ҳисобга олиши, ўзини намоён этишга имкон бериши лозим. Болаларнинг рухий зўриқиши мактабгача даврда ёки бошланғич синфнинг дастлабки кунларидаги салбий тондаги муносабат оқибатида узок вақт сақланиб қолиши мумкин. Бу “биринчи эффект” ҳисобланади ва боланинг ўқитувчига муносабати мазкур таассурот туфайли сақланиб қолади.

Ўқувчилар ҳар доим ҳам ўқитувчи томонидан берилаётган баҳолар натижаларини таҳлил этишга мойил эмас, бу ҳолат уларнинг шахсий ва касбий камолотида турли нуқсонларни шакллантириш билан бирга уларни бартараф этишга нисбатан эътиборсизликни келтириб чиқаради.

Ўқитувчилар ўқувчиларининг биринчи синфдаги тасаввурлари таъсирини таълимнинг қолган босқичларида ҳам сақлашга эришсалар, таълим самарадорлигига шахсий таъсир ўтказиб, ўқув-тарбия жараёнида юқори натижаларга эришадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гайнутдинов Р.З. Ўқитувчига тарбия психологияси ҳақида. – Тошкент: 1995. - 20 б.
2. Грэйс Крайг. Психология развития. – Санкт-Петербург: Питер, 2000. - 992 с.
3. Грищенко Л.А. Дети, не оправдывающие ожиданий. – Свердловск: издат-во. Урал. ун-та. - 1991. - 64 с.
4. Жабборов А.М. Ўзбек мактаби ўқитувчисининг психологик ва этник хусусиятлари. Психол. фанл. докт. дис. – Тошкент: 1999. - 317 б.
5. Расулов А.И. Ўқитувчи шахсининг тарбиячи сифатида ўқувчилар билан ўзаро муносабат даражалари: Психол. фанл. номз. дис... – Тошкент: 2001. - 177 б.
6. Обозов Н.Н. Психология межличностных отношений. – Киев, 1990. - 191 с.